

# ЎЗБЕКИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШИ

**Марданов Рўзимбек – БухДУ талабаси**

**Илмий раҳбар: Болтаев Бобир – т.ф.ф.д.(PhD)**

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 июлдаги қарорида тарихчиларимиз олдига кўйган муҳим вазифалардан келиб чиқиб ва мустақил, озод давлатимиз концепцияси асосида ўзбек археологияси кўйидаги долзарб ва муҳим илмий йўналишларни белгилайди.

Ўзбек давлатчилиги ва цивилизациясининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичлари. (Қадимги даврлардан темурийлар давригача)

Ўзбек цивилизацияси ва давлатчилиги ўз тараққиёти давомида қўйидаги босқичларни боширдан кечирган:

- **Биринчи босқич.** Бу босқичда, эрамиздан олдинги II-I минг йилликлардаги, илк темир ва бронза даврларида Амударё, Зарафшон, Қашқадарё хавзаларида ҳамда Шерободдарё ва Оқдарёнинг кичик воҳачаларида ўтрок дехқончилик маданияти, илк шаҳарлар, дастлабки маданий воҳалар ва қадимги Миср шаҳарлари, Месопотамия ва Майядаги шаҳар давлатларга ўхшаш давлатлар пайдо бўлади.
- **Иккинчи босқич.** Эрамиздан олдинги VIII-VII асрларда қадимги Шарқнинг Мидия давлатига ўхшаш «Катта Хоразм», «Бақтрия подшолиги» ва «Гава Сўғди» каби йирик, шаклланган сиёсий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан характерланади.

Тарихий ва археологик манбалар буни тасдиқлайди. Замонавий Ўзбекистон териториясида бу даврга оид маданий ўчоқларни археологларимиз Фаргона водийсидан (Чуст маданияти), Сўғдиёнадан (Кўктепа, Сангиралта. Узунқир ва бошқалар), Бақтриядан (Джарқутон, Моллалитепа, Кучуктепа ва бошқалар). Чочдан (Бурганлик маданияти), Хоразмдан (Гяурқалья, Қуюсой) топиб ўрганганлар.

Юқоридаги тилга олинган илк шаҳар маданияти ўчоқларини Овестода келтирилган жамиятлар билан таққослаш мумкин.

- **Учинчи босқич.** Бу босқичда ўзбек давлатчилиги ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини йўқотиб унинг ҳудудлари эрамиздан олдинги VI асрда аҳомонийлар, сўнгра эрамиздан олдинги бўлакларидан бирига айланади.

- **Туртинчи босқич:** ўзбек давлатчилиги Селевкийлар империясининг қарамлигидан озод бўлиб, эрамиздан олдинги III-II асрларда Юнон-Бақтрия подшолиги пайдо бўлганлиги билан характерланади.

Бу даврда тарих саҳнасида Хоразм, Давон, Кушон империялари ҳамда Кангюй конференциялари пайдо бўлади. Воҳа урбанистик ва қўчманчилик шаклларини ўзида жамлаган, Марказий Осиё типидаги давлатлар пайдо бўлади. Воҳа - урбанистик типидаги давлатларда доимий суғориш тармоқлари асосида ирригация ва дехқончилик тараққий этган

бўлса, кўчманчилик шаклидаги давлатларда эса кўпроқ давлатчилиқда ҳарбий-маъмуриятчилик элементлари кучайганлигини кузатамиз.

Йирик империялар тарқалиб кетганидан сўнг ҳам давлатчиликнинг иккинчи типи кейинги асрларда анча узоқ яшаганлигини кўрамиз. Юнон-Бақтрия, Кушон, Кангюй давлатларини инқирозидан сўнг, эфталитлар, сосонийлар, Турк ҳоқонлиги ва Араб халифалигига қарам бўлган бир қанча майда вассал ҳукмдорликлар пайдо бўлади.

• **Бешинчи босқич** эрамизнинг III-VII асрларида хионийлар, кидаритлар, эфталитлар ва турк ҳоқонлари сулолаларининг пайдо бўлиши ўзбек давлатчилигининг ривожланиши билан характерланади.

Айнан бу даврда йирик антик давлатлар ҳимоясида қитъалараро ўтувчи савдо-карвон йўли Буюк Ипак йўли шаклланади. Бу йўлнинг таъсирида ички ва ташки савдо кўчаяди, транзит ва маҳаллий савдо йўллари пайдо бўлади, шаҳарларнинг таркибий қисмида ўзгаришлар содир бўлади. Сўғд ҳомийлигига Хоразм, Уструшона, Чоч, Фарғона ва Тоҳаристон Ҳукумдорликлари Иттифоқи пайдо бўлади. Эфталитлар ва турк ҳоқонлиги давлатларида дехқончилик, чорвачилик цивилизациясининг шарқона қиммати пайдо бўлади. Ягона маданият шаклланади. Ўзбекистон халқларининг Марказий Осиё цивилизациясига кўшган салмоқли улуши яққол кўзга ташланади. Ипак йўли орқали товарлар, ғоялар, илм-фан, санъат ва маданиятнинг ҳаракатлануви туфайли давлат цивилизацияси жаҳон цивилизацияси томон ўсиб боради.

• **Олтинчи босқич.** VII-VIII асрларда Ўзбекистон ҳудудлари араб халифалиги таркибига кириши ва мустақилликни йўқотиши билан характерланади. Арабларга қарши курашда турклар бош аҳамият касб этадилар. Бу босқичда турклар барча жиҳатларда ўз қобилиятларини намойиш этадилар. Тарихий манбалар, VIII-IX асрларда туркларнинг катта ҳарбий қобилиятлари, давлат бошқаришдаги маҳоратларини исботлайди. Сомонийлар давлат бошқарув аппаратида ва ҳарбий институтларида туркларнинг роли кўчайганлиги кўринади.

• **Еттинчи босқич.** X-XIII асрларда Сомонийлар, Қораҳонийлар ва Хоразмшоҳларнинг мустақил давлатларининг пайдо бўлиши, ҳукмронлик қилиши билан характерланади.

Қораҳонийлар ҳоқонлиги, Ануштегинлар - хоразмшоҳлар давлатлари ўзбек давлатчилигининг янги босқичлари.

Цивилизациянинг асосий кўриниши ҳисобланган шаҳарлар бу даврда гуркираб ривожланади. Пойтахт шаҳарлар, Бухоро, Самарқанд ва Урганч моддий ва маънавий маданиятнинг марказларига айланади. Бу даврда Самарқанд, Шош, Бухоронинг кумуш тангаларини Шарқий ва Шимолий Европага кириб келиши кучаяди яъни улар қитъалараро савдо-карвон йўлида асосий хорижий товарга айланади.

Бу даврда ўзбек халқининг маданияти ҳар томонлама ривожланиб бу Самарқанд, Шош, Фарғона, Уструшона, Чагониён кулоллари, мисгарлари, заргарлари, кандалорларининг юксак сифатли маҳсулотларида ўз аксини топади.

• **Саккизинчи босқич.** Мовороуннаҳрга мўғуллар босқини ва унинг ўз мустақиллигини йўқотиб, XIII-XIV асрларда Чифатой давлати таркибига кирганлиги билан характерланади.

XIII асрнинг бошида Марказий Осиё Чингизхон томонидан истило қилинади. Мўғулларга қарши йирик турк давлат арбоблари ва лашкарбошилари эрк жангига кўтариладилар. Муҳаммад Инолчиқ (Ўтрор), Темур Малик (Хўжанд), Жалолиддин Мангубердилар мўғулларга қақшатғич зарбалар берадилар.

Бу даврда йирик шаҳарлар инқирозга учрайди, аҳолининг катта қисми қириб ташланади ва омон қолганлари қулликка маҳкум этилади, бунинг натижасида Марказий Осиёнинг иқтисоди, маданияти ва тараққиёти бир неча аср орқага сурилади.

- **Тўққизинчи босқич.** Бу босқичда Марказий Осиёнинг ўрта аср цивилизацияси ва давлатчилигининг энг юксак чўққиси сифатида - Амир Темур ва темурийларнинг марказлашган мустақил давлати юзага келади, ўзбек давлатчилиги энг юксак тараққиётга кўтарилади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мўғуллар истибодига қарши олиб борган озодлик курашлари ва бунинг натижасида мўғул босқичларидан халос бўлиш туфайли Марказий Осиёда мустақил давлат юзага келди. Амир Темур давлти Хитой, Ҳиндистон ва Араб мамлакатлари билан урнатган маданий, иқтисодий ва илмий алоқалар туфайли Мовороунаҳрда меъморчилик, санъат-маданият, хунармандчилик ривожланди.

Темурийлар Ренессанси даврида Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур каби улуг шоир, ёзувчиларнинг хизматлари туфайли ўзбек адабий тили ривожланди, янги погоналарга кўтарилди.

Самарқанд дунёвий империянинг шоҳона пойтахтига айланди. Шоҳ, олим Мирзо Улуғбек даврида, айниқса Мовароунаҳр илм-фани, моддий ва маънавий маданияти янги қирралар билан бойиди. Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Хива XIV-XV асрларда қадимги Шарқнинг энг гўзал, обод, юксак маданиятли шаҳарлари сирасига киради.

Бу даврда моддий маданиятда ҳам катта узгаришлар юз берди. Масалан, кулолчилиқда темурийлар давригагина хос стил-ранг баранг гуллар билан безатилган идиш товоқлар ясалиши кенг йўлга кўйилади.

Археологик ва тарихий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек халқининг энг қадимги даврлардан тортиб то ҳозирги кунларгача босиб ўтган тарихий йўли, умуминсоний қадриятлар ва давлатчиликни бунёд қилиш борасидаги бунёдкорлик ишларида қадимги Шарқнинг маданиятли халқлари билан яқин ҳамкорликда, қўшничиликда, мулоқотда бўлганлар. Бунинг натижасида аждодларимиз цивилизация ва давлатчилик борасида эришган кўпгина ютуқлар бугун умуминсоний қадриятларнинг олтин фондига айлангандир.

Ўзбек археологиясининг бугунги кундаги бош мақсади, халқимизнинг ўтмиши ҳақида ҳаққоний манзарани яратиш, уни энг қадимги давлатлардан то темурийлар давригача бўлган бой тарихини жаҳон тарихидан ажратмаган, қарама-қарши қўймаган ҳолда ўрганиш, Шарқ билан Farb ўртасидаги мулоқотларга катта ҳизмат қилган ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссасини кўрсатиш ва Марказий Осиё халқлари маданияти, давлатчилигини шаклланишида аждодларимизнинг хизматларини аниқлашдан иборатdir.

Ўзбекистон археологиясини ривожлантириш концепцияси Республикализнинг гуллаб - яшнашига, уни халқаро майдонда обрў-эътиборини ошишига, миллатнинг тарихий ва маънавий онгини ўсишига, озод ватанимизнинг озод фуқаросини ҳар томонлама етук, ватанпарвар, баркамол, халқпарвар қилиб тарбиялашга хизмат қиласи...

Ўзбекистон худудида археология мероси объектларининг илмий жиҳатдан ўрганила бошлаганлигига 100 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шундай бўлса-да, археология мероси объектларининг муҳофаза қилиш, сақлаш ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун алоҳида эътибор қаратилиши мустақиллик йилларига тўғри келади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Я. Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институтида 1959 йилдан “Ўзбекистон моддий маданият тарихи”, 2002 йилдан “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” йиллик тўпламлари нашр этилиб, уларда Республикализ ҳудудида олиб борилаётган археологик тадқиқотларнинг умумлашма илмий хуносалари бериб борилади. 2010 йилдан эса “Ўзбекистон археологияси” илмий журнали нашр этила бошланди.

Собиқ иттифоқ даврида қўплаб археология объектлари текислаб пахтазорга айлантирилганлиги сир эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиндики, улар археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, фойдаланиш ва тадқиқ этишга хуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

2001 йилда бир гурӯҳ ўзбек археологлари томонидан Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. 2010 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш: назария ва амалиёт” мавзууда илмий-амалий конференция ўтказилган. Унда депутатлар, вазирлик ҳамда идоралар, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, журналистлар қатнашган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бой ҳамда бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун зарур институционал ҳамда ташкилий-хуқуқий пойдевор яратилди. Хусусан, Конституциямизда фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрарга мажбурулиги, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида экани ўз ифодасини топган. Шу асосда “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда бошқа қонунлар, ҳукуматнинг соҳага доир ўнга яқин қарорлари ҳаётга татбиқ этилди, бир қатор халқаро конвенциялар Ўзбекистон томонидан ратификацияланди. Пировардида маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, миллий қонунчиликни умумэтироф этилган нормалар билан уйғун ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда юртимизда маданий мероснинг 7500 дан зиёд кўчмас объектлари мавжуд. Уларнинг ярмидан кўпи археологик дурдоналар саналади. Ўз навбатида, музейларда юз минглаб кўчар объектлар, архивларда миллионлаб ҳужжатлар сақланаётир. Айни чоғда диёримиздаги тарихий, архитектура ва шаҳарсозлик объектларини қамраб олган 110 та халқаро сайёҳлик йўналишининг 65 таси айнан тарихий-маданий мерос намуналаридир. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асрар, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури ижроси юзасидан ўтган йилларда амалга оширилган ишлар, келгусидаги вазифалар муҳокама этилган.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Х.. Ўзбекистонда археология фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан // Ўзбекистон археологияси.- Самарқанд, 2010. 1-сон.- Б.13.
- Ширинов Т.. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. –Тошкент:“Фан”, 2001. 32-нашри, 7-11-бетлар.
- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. [lex.uz](http://lex.uz)